

# ХОРИЖГА ИШГА КЕТМОҚЧИМИСИЗ?



Унинг тартиб-қоидалари, меҳнат мигранти учун яратилган имконият ва имтиёзлар сизни қизиқтирадими?

Хорижда сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз давлат томонидан ҳимояланишини истайсизми?

Бунинг учун қонуний меҳнат миграциясини танланг!

Унутманг, хорижда хавфсиз ва ишончли ишга эга бўлиш, меҳнат қилиш жараёнларида ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиниши кўп жиҳатдан ўзингиз ва сиз танлаган йўлга боғлиқ!

## ХОРИЖГА ИШГА ҚАНДАЙ КЕТИШ МУМКИН?

- Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали
- Лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари (ХБА) орқали


Амалдаги қонунчиликка мувофиқ:

фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича лицензияга эга ХБА ахборот ва маслаҳат хизматлари учун БҲМнинг бир бараваридан

**(300** минг сўм) кўп пул олиши мумкин эмас.

шунингдек, чет эллик иш берувчи ва ҳамкори билан шартномалар тузмасдан, фуқароларга хизмат кўрсатиш тақиқланади ҳамда ушбу шартномалар ХБАнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши лозим.

Хорижда иш таклиф қилаётган ташкилотларнинг лицензияси борлигига ишонч ҳосил қилинг. Шартнома тузабётганда, унинг шартларини ўқиб, тўлиқ тушуниб имзо қўйинг.



Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги қўйидаги йўналишларда фаолият юритади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хавфсиз, тартибли ва қонуний хорижий меҳнат миграциясига жалб қилиш;

хорижга ишга кетиш истагидаги фуқароларни тайёрлаш, хусусан уларни чет тиллари ва касбга ўқитиши;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қўллаб-қувватлаш, хусусан, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам бериш, меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини ва хорижда меҳнат фаолияти вақтида оғир тан жароҳати олган фуқароларни Ўзбекистонга қайтариш;

меҳнат миграциясидан Ўзбекистонга қайтган фуқароларни мамлакат меҳнат бозорига мослаштириш, хусусан, уларни тадбиркорликка жалб қилиш.

## ЭСДА ТУТИНГ

Корея ва Ўзбекистон Республикалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ўртасидаги Ҳамкорлик меморандумига асосан Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Ўзбекистон фуқароларини Корея Республикасига ишга жалб қилиш билан шуғулланиш ваколата эга ягона ташкилот ҳисобланади.

## ОГОҲ БЎЛИНГ!

Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларидан 2022 йил февраль ойидан буён давом этабётган Россия ва Украина ўртасидаги зиддиятли ҳудудларга жалб қилиш ҳақидаги даъватларга эргашмасликни, зиддиятли ҳудудларга бормасликни ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмасликни сўраймиз.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 154 прим 1-моддасида чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланиш **3** йилдан **5** йилгача озодликни чеклаш ёхуд **3** йилдан **5** йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўзда тутилган